

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ- АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**РАДЖАБОВА ЮЛДУЗ НАЗИМОВНА**

**БЕХЧЕТ КАСАЛЛИГИНИНГ ИММУНОЛОГИК ВА МОРФОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ, ҲАМДА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**



**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Раджабова Юлдуз Назимовна**

Бехчет касаллигининг иммунологик ва морфологик хусусиятлари,  
хамда даволашни такомиллаштириш ..... 5

**Раджабова Юлдуз Назимовна**

Иммунологические и морфологические особенности болезни Бехчета,  
совершенствование терапии ..... 24

**Radjabova Yulduz Nazimovna**

Immunological and morphological features of Behcet's disease,  
improvement of therapy ..... 46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... .50



**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ– АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**РАДЖАБОВА ЮЛДУЗ НАЗИМОВНА**

**БЕХЧЕТ КАСАЛЛИГИНИНГ ИММУНОЛОГИК ВА МОРФОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ, ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**



**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида № B2018.1.PhD/Tib480 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология и косметология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот ва маърифий порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирсаидова Муниса Абдушукуровна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Маннанов Абдушукур Маликович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Юлдашев Музаффар Акрамович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ташкент тиббиёт академияси**

Диссертация химояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) - 262-33-14; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ - сон билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 223 - уй. Тел./Факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2020йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В.Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.Н.Хаитов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор





## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги вақтда Бехчет касаллиги (БК) билан касалланган беморларнинг сони тобора кўпайиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, Бехчет касаллигининг тарқалиши ҳар 100 минг кишига 13,5 дан 20 тагача ҳолатни ташкил қилади<sup>1</sup>. Касалликнинг ривожланишига ва кечишига туртки бўлувчи омиллар, касаликнинг тўлқинсимон кечиши, тез-тез қайталаниши, нотўғри ташхис қўйилиши, даволашнинг носамарадорлиги асоратларни келтириб чиқаради ва ҳатто беморларнинг ногиронлигига сабаб бўлади. Бехчет касаллигида антиэндотелиал антитаначаларнинг ўзгариши каби иммунологик силжишлар ҳам илмий аҳамиятга эга. Клиникада ушбу антитаначаларнинг аниқланиши касалликнинг юқори клиник фаоллиги фонида пайдо бўлиши билан белгиланади, бу бизга касалликнинг босқичини белгилашга имкон беради.

Дифференциал диагностика ва якуний ташхис қўйиш мураккаблиги, шунингдек, бу касалликнинг нохуш башорати ва турли хил асоратлар ривожланиши шифокорларнинг огоҳлигини талаб қилади. Шунинг учун касалликнинг келиб чиқиши, турғунлиги ва ривожланишига таъсир этувчи омилларининг кучини бартараф қилишга ёки сусайтиришга қаратилган терапевтик даволаш режаларини ишлаб чиқариш зарур. Бу ўз навбатда этиотроп даволашни тўғри танлаш билан бирга, БК билан оғриган беморларда репаратив жараёнларни тезлаштириш каби ижобий натижаларга эришишга имкон беради. Бехчет касаллигининг кечиши ва зўрайишини олдини олиш, шунингдек, даволашни такомиллаштириш мақсадида, бу касалликнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин бўлган оддий учуқ вируси, ёндош микрофлора, қон зардободаги бир ва икки занжирли ДНКга қаратилган G (IgG) синфига мансуб антитаначалар, цитокинлар, иммун статус ҳолати ва патологик ўчоқлардан олинган биопсия намуналарининг морфологик параметрларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда ҳозирги пайтда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли орасида тери касалликларини эрта ташхислаш ва самарали даволаш орқали уларнинг асоратларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва омабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»<sup>2</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган.

<sup>1</sup> Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2016 йилдаги ҳисоботлари.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармони.

Ушбу диссертация тадқиқоти 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бехчет касаллиги - сўнгги йилларда олимларнинг эътиборини тобора кўпроқ жалб қилмоқда. Касалликнинг ҳанузгача этиологияси номаълумлиги, сурункали қайталаниб туриши, клиник белгиларнинг хилма-хиллиги, бу касалликни тиббиётда етарлича ўрганилмаган ва долзарб муаммолар қаторига киритмоқда. Ўзбекистонда Бехчет касаллиги муаммоси этарли даражада ёритилмаган ва алоҳида клиник ҳолатлар шаклида нашр этилган (Абидова А.М., 2014; Арифов С.С., Сабиров У.Ю., 2008).

Бехчет касаллигининг этиологияси номаълум бўлсада, иммунитет тизимидаги ўзгаришлар юқумли агентлар таъсирига боғлиқ деб тахмин қилинади. Василов М.М. ва Денисова В.М. (2011) ўз тадқиқотларида Бехчет касаллиги билан оғриган беморлар териси ва жинсий аъзоларнинг шиллик пардаларида эрозив-яралли шикастланишлар юзасидан ОУВ-1, 2 типи ва *S.trachomatis*, ОУВ-1, 2-типи ва *Mycoplasma hominis* бирикмаларини топдилар. Жинсий аъзоларнинг тери ва шиллик пардаларининг эрозив ва яралли шикастланиши, бошқа жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар, шу жумладан ОИВ инфекциясини юқишини осонлаштиради (Шульженко А.Е., 2005). Учук вируси генитал яралли касалликларини келиб чиқарувчи энг кенг тарқалган сабабларидан бири бўлиб, провирус босқичида турган ОИВни фаоллаштириш билан бирга, ОИВ ва ОИТС ривожланишининг кофактори ҳисобланади (Kabayashi T et al., 2013; Shacer T., 2001). Гарчи ОУВ1,2 типи ва бошқа ЖЙОЮИ Бехчет касаллигида шиллик пардаларда яллиғланишга сабаб бўлишига қарамай, уларнинг таъсири туфайли васкулитнинг ривожланишига таъсир қилувчи аниқ механизмлар номаълум.

Турли адабиётлар маълумотларини таҳлил қилиб, БКдаги иммунитет ҳолатини ўрганиш натижалари бир бирига қарама-қарши деб хулоса қилишимиз мумкин. Баъзи бир муаллифларнинг фикрига кўра (Моисеев С.В. ва б., 2018), БК кўпроқ туғма иммунитетнинг мувозанати ва Т- типидagi ёрдамчи хужайралар (helper) 1 (Th1) фаоллашиши, Th1-цитокинлари - интерферон контцентрациясининг γ (ИФНγ), интерлейкин 2 (ИЛ2), ИЛ1α, ИЛ1β, ИЛ6, ИЛ12, ИЛ13, ИЛ15 ортиши билан боғлиқ бўлса, яна бир гуруҳ муаллифлар (Алекберова З.С. ва б., 2017) гуморал иммунитетнинг муҳим

ролини даъво қилмоқдалар. Қандай бўлмасин, цитокинларнинг (ИЛ4, ЎНФ- $\alpha$ ) роли, касалликнинг давомийлигига қараб иммунитетнинг ўзгариши ўрганилмаган. БКнинг келиб чиқишида антиэндотелиал антитаначаларининг иштироки кенг муҳокама қилинмоқда, ammo бу масалаларнинг барчаси ҳалигача ўз ечимини топмаган (Kansu E., 1998).

БК билан оғриган беморларда клиник кўринишларнинг кўпинча HLA B5 ва унинг субтипи B51 билан бирлашмасида кузатилади (Алекберова З.С. ва б., 2016; Овчаров П.С. ва б., 2016; Разумова И.Ю. ва б., 2017). Бехчет касаллигининг асосида нейтрофиллар гиперфункцияси ва аутоиммун реакциялар билан биргаликда томирларнинг шикастланиши (васкулит) ётади (Абидов А.М. ва б., 2014; Вознесенская Т.Ю. ва б., 2015; Шилкина Н. ва б., 2018). Морфологик тадқиқотлар натижалари Бехчет касаллиги учун характерли бўлган барча зарарланиш соҳаларида: оғиз ва генитал яраларда, терида, кўриш органида ва ҳоказо васкулит мавжудлигини тасдиқлайди (Лисыцина Т.А., Вельтищев Д.Ю., 2015; Манищенкова Ю.А ва б., 2013). Кўпчилик муаллифларнинг фикрига кўра, БК билан оғриган беморларда иммунитет билан боғлиқ васкулит ривожланади (Sallustro M et al., 2019).

Шунинг учун нафақат касаликни клиник кўринишини, балки ҳар хил патоген микроорганизмларнинг клиник белгилар ривожланишига таъсири, хужайравий в гуморал иммунитет, цитокин статус ҳолати, касалликнинг морфологик хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш, этиопатогенезни чуқурроқ тушунишга ва касалликни даволаш усулларини такомиллаштиришга имкон беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг ИТИ режасига мувофиқ ПЗ-20170927338 рақамли "ЖЙОЮИ сабаб бўлувчи, клиник-иммунологик, патоморфологик, микробиологик хусусиятларга асосланиб, эрозив-яралар ва диспластик генитал касалликларнинг сабабларини, оғирлик даражаси ва даволаш алгоритмининг баҳолаш, прогностик мезонларини ишлаб чиқиш" (2018-2020 йй) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дерматовенерология ва Косметология гранти мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иммунологик ва морфологик хусусиятлар асосида Бехчет касаллигини ташхислаш ва даволаш учун мақбул усулларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

клиник-анамнестик маълумотлар асосида Бехчет касаллигининг клиник кўринишларини характеристикаси, оғирлик даражаси, қайталаниши сонини аниқлаш. Касалликнинг кечиши ва зўрайишида оддий учуқ вируси ва ёндош микрофлоранинг этиологик ролини аниқлаш;

қон зардобидида икки занжирли (dsДНК) ва бир занжирли (ssДНК) ДНК га қаратилган G (IgG) синфига мансуб аутоиммун антитаначаларни ўрганиш орқали бехчет касаллигининг аутоиммун табиатга эғалигини аниқлаш;

Бехчет касаллиги билан оғриган беморларда касаллик давомийлигига қараб иммунитет ҳолати, ИЛ-4, ЎНФ- $\alpha$  каби интерлейкинлар миқдорини аниқлаш билан цитокин статусини ўзгаришини аниқлаш;

Бехчет касаллиги билан оғриган беморларда патологик ўчоқлардан олинган биопсия намуналарининг морфологик параметрларини касаллик давомийлигига қараб ўзгаришини аниқлаш;

касаллик ривожланишида аниқланган этиопатогенетик жихатлари асосида такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2011–2019 йилларда Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази назоратида бўлган 50 нафар беморлар олинди.

**Тадқиқот предмети** сифатида беморлар веноз қони ва қон зардоби ИФА, иммун ва цитокин статус тадқиқоти учун, организмнинг биосубстратлари (жинсий йўллар ажралмалари), ПЗР, микробиологик, культурал текширувлар учун ва морфологик тадқиқотлар учун патологик ўчоқлардан олинган биопсия намуналари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Текширув жараёнида умумклиник, морфологик, микробиологик, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор клиник-анамнестик маълумотлар асосида Бехчет касаллигининг Ўзбекистон республикаси аҳолиси учун хос клиник кўринишлари характеристикаси, оғирлик даражаси ва қайталаниши сони қай даражада ўзгариши аниқланган. Оддий учуқ вируси, ёндош микрофлоранинг этиологик роли, шунингдек, касалликнинг кечиши ва зўрайиши бу кўзгатувчиларга боғлиқлиги исботланган;

илк бор қон зардобида dsДНК ва ssДНК концентрациясининг назорат гуруҳига нисбатан солиштирганда кўпайиши билан ( $p < 0.001$ ) Бехчет касаллигининг аутоиммун табиатга эгалиги исботланган;

Бехчет касаллиги билан оғриган беморларда хужайравий иммунитет (CD3, CD4, ИРИ) кўрсаткичларининг ишончли даражада камайиши, гуморал иммунитет кўрсаткичи (CD19, IgA, IgM, IgG) миқдорининг кескин ошиши каби иммун тизимидаги номутаносибликлар юз бериши исботланган. Цитокин статусидаги ўзгаришлар назорат гуруҳига нисбатан ЎНФ- $\alpha$  миқдорининг ошиши, яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-4 нинг кескин камайиши ва бу ўзгаришлар касаллик давомийлиги 7 йилдан ошган беморларда янада яққоллиги исботланган;

Бехчет касаллиги билан оғриган беморларда патологик ўчоқлардан олинган биопсия намуналарининг морфологик параметрлари касаллик давомийлигига қараб ўзгариши аниқланган. Касаллик давомийлиги 1 йилгача булган беморларда лейкоцитокластик васкулит сурьати (нейтрофиллардан иборат бўлган периваскуляр инфилтратлар, нейтрофил ядро парчалари, шиш, қон томирларнинг фибриноид шишиши). Касаллик давомийлиги 7 йилдан ошган беморларда лимфоцитар васкулит сурьати (қон томирлар деворида лимфоцитар инфилтратлар мавжудлиги, қон-томир стенози) аниқланган;

ишлаб чиқилган даволашнинг такомиллаштирилган усули ёрдамида

касаллик ривожланишида аниқланган кўзгатувчилар таъсири, касалликнинг аутоиммун табиати, цитокин статусидаги ва морфологиядаги ўзгаришлар, умумий ва маҳаллий иммунитет тизимидаги бузилишларни тиклашга эришилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

оддий учуқ вируси ва ёндош микрофлорани касалликнинг оғирлик даражасига, зўрайишига, клиник белгилар ривожланиш даражасига таъсир қилиши ўрганилганда, ушбу кўзгатувчиларни янада чуқурроқ ўрганиш учун диагностик усуллар тавсия қилинган, бу ўз навбатида касалликни эрта аниқлаш ва қайталанишини олдини олишга эришишга ёрдам бериши асосланган;

Бехчет касаллиги билан оғриган беморларда касалликнинг аутоиммун табиатга эгаллиги, иммунитет ва цитокин тизимидаги жиддий бузилишларни иммунодиагностикаси касаллик асоратларни олдини олишга ёрдам бериши исботланган;

Бехчет касаллигини даволаш усули касаллик ривожланишида аниқланган этиопатогенетик жихатларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган. Бу эса анъанавий давога қараганда клиник белгиларнинг вохлироқ йўқолишига, патологик ўчоқларни тезроқ битишига, организмдан кўзгатувчилар элиминациясига, беморни эртароқ тузалишига эришишга ёрдам бериши исботланган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий бир-бирини тўлдирувчи клиник, бактериологик, иммунологик, морфологик, статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро, ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, касалликнинг аутоиммун табиатга эгаллиги тўғрисидаги маълумотлар Бехчет касаллигининг этиопатогенези ҳақидаги замонавий ғояларни бойитиб, беморларнинг иммунитет ва цитокин ҳолатидаги ўзгаришлар, шубҳасиз, даволанишни у ёки бошқа усулини танлашда ёрдам бериши, оддий учуқ вируси ва ёндош микрофлора яллиғланиш жараёнини ушлаб туриши ҳисобига, касалликнинг кечишини оғирлаштириши, текширув натижаларининг татбиқ этилиши ташхислаш ва даволашни такомиллаштириб, шунингдек, тузалиш муддатини қисқариши ҳисобига даволашга кетадиган маблағ камайиши билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Бехчет касаллиги билан оғриган беморларни даволаш учун касалликнинг ривожланишида аниқланган этиопатогенетик омилларни ҳисобга олган ҳолда, томир ичига лазер нурланишини (ТИЛН), вирусларга қарши даъво воситаларини ва маҳаллий Офломелид препаратини комплекс даволаш усули сифатида

амалий соғлиқни сақлаш тизимида жорий қилиниши касаллик қайталанишини камайишига, асоратлар ривожланишини, ногиронликни олдини олишга эришилишига ва бемор хаёт сифатини яхшиланишига олиб келиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иммунологик ва морфологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда Бехчет касаллигини даволаш усулини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида

"Бехчет касаллигининг этиопатогенези ва кечишининг замонавий этапдаги хусусиятлари" услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 октябрдаги 8Н-р/265 маълумотномаси). Мазкур тавсияномалар Бехчет касалигига чалинган беморларни даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Бехчет касалигини даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, ЎзР ССВ РИДВ ва КИАТМнинг жинсий йўл орқали юқувчи инфекциялар ва репродуктив бузилишлар бўлимида, Тошкент ва Жиззах вилоят тери таносил диспансерлари амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 02 июлдаги 8н-з/69 -сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши тиббий ёрдам сифатини ошириш, шунингдек, ташхисот ва даволашнинг янги усулларини кўллаш орқали беморларнинг хаёт сифатини яхшилаш, ҳамда уларнинг даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, 4 боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**


Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, текширувнинг мақсади, объекти ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, унинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти кўрсатилган, олинган текширув натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ва тадбиқ қилиниши, натижаларни чоп қилиниши ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши очиқ берилган.

Диссертациянинг «**Бехчет касаллигининг этиопатогенези ва даволаш ҳақида замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи боби икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми «Бехчет касаллигининг этиологияси, патогенези ва клиник кечишлари ҳақида замонавий тушунчалар»да маҳаллий ва хорижий матбуотлардаги сўнгги 10-15 йил ичидаги адабий манбалардан олинган маълумотлар, Бехчет касаллигининг этиологияси, ривожланишининг патогенетик жихатлари ва клиник кечишлари ҳақида айтиб ўтилган. Адабиётлар шархининг иккинчи қисми «Бехчет касаллигини даволашнинг замонавий усуллари»да касалликни даволашда ҳозирда мавжуд бўлган ва қўллаб келинаётган усуллар камчиликлари ва устунликлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Биологик объектларни текширишда замонавий ёндашувлар**» номли иккинчи бобида тадқиқотнинг қуйидаги материаллари ва усуллари: клиник, морфологик, микробиологик, иммунологик ва статистик текширув усуллари батафсил келтирилган.

Тадқиқотнинг мақсади ва қўйилган вазифаларига етишиш учун 50 нафар Бехчет касаллигига чалинган беморлар комплекс текширувдан ўтказилди.

Текширувдан ўтганлар орасида 15-30 ёшдаги 64,0%, 31-40 ёшда - 18,0%, 41-50 ёшда - 10,0% ва 51 ёш ва ундан катта - 8,0 % ни ташкил этди. Улардан алоҳида гуруҳни (10%) 15 ёшдан 20 ёшгача бўлган аёл жинсига мансуб беморлар ташкил қилди.Текширилганлар сонининг 92,0 % 15 ёшдан 50 ёшгача бўлганлар (расм 1) ташкил этди.



**Расм 1. Беморлар ёшига қараб тақсимланиши**

Касалликнинг давомийлигига қараб, 1 йилгача - 20,0%, 1 йилдан 3 йилгача - 26,0%, 3 йилдан 5 йилгача - 24,0%, 5 йилдан 7 йилгача - 16,0% ва 7 йилдан ошқ - 14,0% да ташкил қилди. 94,0% беморлар эрозив яраларга, 32,0% турли хил тошмаларга, 8,0% жинсий йўллардан ажралмаларга, 14,0% кўриш қобилятининг бузилишига шикоят қилишган.

Илмий ишда қуйидаги текширув усулларидан фойдаланилган:

- микробиологик текширувлар –инфекцияларни аниқлаш усуллари, жинсий йуллардан ажратиб олинган ёндош микрофлора ва антибиотикларга сезувчанлигини текшириш усули;

- иммунологик текширувлар – Залялиева М.В. усули (2004) ёрдамида лимфоцитларнинг субпопуляцион таркибини аниқлаш, зардоб

иммуноглобулинларини Mancini G. (1965) усулида аниқлаш, Арипова Т.У. ва б. (2005) усулида цитокинларни аниқлаш усуллари; Векто-dsДНК-IgG и Векто-ssДНК-IgG АО «Вектор-Бест» (Россия) реагентлар ёрдамида қон зардобиди икки занжирли (dsДНК) ва бир занжирли (ssДНК) ДНК га каратилган G (IgG) синфига мансуб аутоиммун антитаначаларни ўрганиш;  
- полимераз занжирли реакция (ПЗР).

Текширувда олинган натижалар статистик таҳлил учун дастурли таъминлашни ўз ичига олган EXCEL пакети ёрдамида вариацион статистика усули орқали кўрсаткични ўртача арифметик (M), ўртача стандарт хато (m), нисбий катталикларни (учраши, %) ҳисоблаб ўтказилди. Олинган ўлчовларни ўртача катталикларга солиштирганда статистик аҳамиятини Стьюдент критерийи (t) бўйича нормал жойлашишини текширганда эҳтимолий хатони (p) ва асосий дисперсия тенглигини (F –Фишер критерийси) ҳисоблаб аниқлаш орқали қўлланилди. Статистик аҳамиятга эга ўзгаришлар деб ишончилилик даражаси  $p < 0,05$  олинди.

Диссертациянинг **«Бехчет касаллигида иммунитет, ОУВ ва ёндош микрофлоранинг ҳолатига кўра, терининг патоморфологик суръати ва клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари»** деб номланган учинчи боби беш қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми **«Бехчет касаллиги клиник кечишининг хусусиятлари»**да Бехчет касалигига чалинган 50 та беморда клиник кечиш тавсифи батафсил ёритиб ўтилган.

Беморларга клиник таъхис Халқаро гуруҳнинг мезонларига кўра (ISGBD, 1990) қўйилган. Бехчет касаллигининг спорадик кузатилиши, марказлаштирилган рўйхатга олишнинг қийинлиги, Ўзбекистонда БК учраш частотасини ҳисоблашга ва статистик жиҳатдан ишончли тадқиқотларни ўтказишга имкон бермайди.

Маълумки, БК нинг клиник кўриниши бир вақтнинг ўзида шаклланмайди ва клиник кечишининг оғирлик даражаси ҳар бир бемор учун индивидуалдир. Яъни, оғиз бўшлиғи яраси касалликнинг дастлабки аломати сифатида 64,0%, 32,0% да жинсий аъзолардаги яралар биринчи марта пайдо бўлган, 4,0% да биринчи аломат сифатида артрит кузатилган. Кўпинча, майда афтоз яралар (юзаки жойлашган, ҳажми 1 см гача, ўзидан кейин чандиқ қолдирмайди) 34,0%, камроқ фоизда катта афтоз яралар (чуқур жойлашган, катталиги 1 см дан ошиқ, ўзидан кейин чандиқ қолдиради) 26,0% ва 4,0% - герпетиформ (ҳажми 2-3 мм, донадор) афтоз яралар кузатилди.

Генитал яралар оғиз бўшлиғидаги эрозив-яралар элементлардан кейин пайдо бўлиш хусусиятига эга, аммо 32,0% ҳолларда улар касалликнинг биринчи аломати сифатида кузатилди. Яралар асосан ёрғоқда 14,0% эркакларда ва 4,0% жинсий олатни танасида, аёлларда ташқи жинсий аъзоларда жойлашган. Қин шиллиқ қавати ва бачадон бўйнида ягона ҳолатларда яралар мавжудлиги кузатилди. Қайта такрорланадиган генитал яраларда оғиздаги яраларига нисбатан оғрикни сезиш даражаси камроқ бўлиб, 1 ой ичида битиб, барча ҳолатларда чандиқлар пайдо бўлиши билан ифодаланди. Қин ва бачадон бўйни яралари асимптоматик бўлган, бу эса БК га чалинган беморларнинг гинекологик кўзгу ва кольпоскопия усули ёрдамида



текшириш муҳимлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, текширилган беморлар орасида касалликнинг турли бирикмалардаги клиник кўринишлари аниқланди. Шундай қилиб, ушбу касалликга чалинган беморларнинг 8,0%да фақат оғиз бўшлиғи, 20,0 %да жинсий аъзолар шикастланган. Оғиз бўшлиғи ва кўзларнинг биргаликда шикастланиши 10,0%, жинсий аъзолар ва кўзлар - 6,0% беморларда аниқланган. Беморларнинг 26,0% да эса оғиз бўшлиғи, жинсий аъзолар, кўзлар ва бўғимларнинг биргаликдаги зарарланиши аниқланган. Бу гуруҳдаги беморларда касаллик оғирроқ кечган. Аёл жинсига мансуб беморларнинг 10,0% ни 15 ёшдан 20 ёшгача бўлган қизлар ташкил қилди. Беморларнинг ушбу гуруҳида касаллик ўткир бошланиб, афтоз стоматит ва генитал яралар кўринишида кечди. Бу гуруҳ беморларда, генитал яралар кўпинча биринчи клиник кўриниш эди, аммо чет эллик муаллифларнинг таъкидлашича, ёш беморлар орасида генитал яралар жуда кам учрайди. Эрақ жинсига мансуб беморларда Бехчет касаллиги кўпинча оғиз бўшлиғи яралари, генитал яралар ва кўз зарарланиши билан ифодаланиб, оғир кечиши кузатилган.

Биз томонидан текширилган беморларнинг 52,0% да тери патологияси кузатилган: 24,0% да псевдофолликулит, 12,0% да папулопустулалар, 2,0% беморларда хуснбузар типдаги тошмалар, 14,0% да тугунли эритема қайд этилган.

Кўз зарарланишида 10,0% да олдинги увеит, 10,0% да орқа увеит, 6,0% да гипопион, 4,0% беморларда кўрлик ташхиси қўйилган. Беморларнинг 20,0% артралгиялар, 6,0 %га тизза бўғимининг артрити, 6,0%га йирик бўғимлар(оёқ билагига ва тизза) олигоартрити ташхиси қўйилган.

Касаллик кичик мезонларни ўрганиб чиққилганда: жигар ва ўт пуфаги патологияси 24,0%, қалқонсимон без касалликлари, асосан диффуз бўқоқ, 12,0% юрак-қон томир тизими касалликлари, 32,0% темир танқислиги камқонлиги, 60,0% - сийдик таносил тизими касалликлари, 8,0% - нафас аъзолари касалликлари, 8,0% - ошқозон-ичак тизими касалликлари, 32,0% мушак-скелет тизимининг касалликлари, 32,0% - асаб тизими касалликлари кузатилган, 16,0% да ички аъзолар патологияси кузатилмаган. Беморлар 34,0% иштаҳанинг йўқолишига, 8,0% диспепсияга, 6,0% диареяга шикоят қилишган.

Яранинг қайталаниши 1 йил ичида камида 3 маротаба кузатилади. Текширилган беморлар орасида 1 йил ичида ўртача 2 дан 6 мартагача касаллик қайталаниши кузатилган.


Ўзбек миллатига мансуб беморларда касалликнинг паст оғирлик даражаси 52,0% холларда кузатилди. Ушбу гуруҳда жинсий аъзолар, оғиз шиллик қаватининг шиллик пардаси ва терининг шикастланиши, теридаги патологик жараёнлар, артралгия, сийдик-таносил тизимининг касалликлари устунлик қилди, касаллик қайталаниши йилига олти мартагача кузатилди.

Беморларнинг 44,0 % ўртача оғирлик даражаси кузатилиб, йилига тўрт марта касаллик қайталаниши, бош оғриғи, депрессияга мойиллик, гипопион, увеитлар, артритлар каби клиник кўринишлар кузатилди.

Оғир даражали беморлар 4.0% ташкил этиб, панувеит, ретинал васкулит туфайли кўрлик ташхиси қўйилган. Ушбу гурух беморлари РИДаКИАТМ клиникасига мурожаат қилишидан олдин ревматологлар назорати остида инфликсимаб + азатиоприн ва ГК кўринишида даво олдилар. Касаллик қайталаниши йилига 2-3 мартагача кузатилган.

Диссертациянинг иккинчи қисмида, "Бехчет касаллиги клиник кечиши ва зўрайишида оддий учуқ вируслари ва ёндош микрофлоранинг этиологик ролини ўрганиш" 50 нафар беморда бактериоскопик, културал, ПЗР диагностик усуллари ёрдамида оддий учуқ вируси ва ёндош микрофлорани аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар маълумотлари келтирилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики (расм 2), бактериоскопик усулда патологик ўчоқлардан олинган ажралмалар текширилганда беморларнинг 42,0% да *Candida albicans* ва 22,0% *Gardnerella vaginalis* аниқланди.



**Расм 2. Бехчет касаллигига чалинган беморларда ёндош микрофлора**

Патологик ажралмалар културал усул ёрдамида текширилганда 50 бемордан 36,0% да *Ur. Urealyticum* ажратиб олинган. Бундан ташқари, патологик ажралмалар културал усул ёрдамида текширилганда, бошқа кўзгатувчилар ҳам аниқланган. Яъни, 32,0% беморда *Staphylococcus epidermidis*, 14,0% да – *Enterobacter*, 6,0% да – *Streptococcus haemolyticus*, 4,0% – *Staphylococcus saprophyticus*, 2,0% да – *Streptococcus pyogenes*, 2,0% – *Streptococcus faecalis* ва 2,0% *E.coli* аниқланди. 60,0% Бехчет касаллигига чалинган беморларда ёндош микрофлора аниқланди.

Патологик ўчоқлардан олинган ажралмалар ПЗР-усули ёрдамида текширилганда 50 нафар беморнинг 36,0% *Ur. Urealyticum* аниқланган. Бундан ташқари қон зардоби ПЗР усулда текширилганда 50 нафар бемордан 20,0% да оддий учуқ вирусининг I- типи (*HSV I*), 18,0% оддий учуқ вирусининг II- типи (*HSV II*), 4,0% – цитомегаловирус (ЦМВ) ва 4,0% – одам папилома вируси (ОПВ) аниқланди.

Бактериал спектрни таҳлил қилганимизда қуйидаги патоген кўзгатувчиларнинг кўпроқ учраши: *Candida albicans*-42,0%, *G.Vaginalis* 22,0%, *ur.urealyticum*-36,0%, *st. epidermidis*-32,0%, *enterobacter*-14,0%

кузатилган. Бу 60,0% ҳолларда сийдик таносил тизимининг шикастланишини тушунтиради. Вируслар ва ёндош микрофлоранинг оғирлик даражасига қараб ўзгариши ўрганилганда (жадв. 1), паст ва ўртача оғирликдаги беморлар гуруҳида патоген қўзғатувчиларнинг аниқланиш даражаси юқорилиги кузатилди.

**Жадвал 1**

**Касаллик оғирлик даражасига кўра ОУВ ва ёндош микрофлоранинг учраши**

Ёндош микрофлора	Касаллик оғирлик даражасига кўра		
	Паст оғирлик даражаси (n=23)	Ўрта оғир оғирлик даражаси (n=15)	Оғир оғирлик даражаси (n=2)
ОУВ I тип	7	3	
ОУВ II тип	7		2
ЦМВ			2
ОПВ	1		1
Ur. Urealyticum	18	16	2
Candida albicans	15	5	1
G. vaginalis	6	4	1
St. Epidermidis	10	6	
Enterobacter	4	3	
Str. haemolyticus		3	
St. Pyogenes	1		
St. Faecalis		1	
St. saprophyticus		2	
E.coli		1	

Бунинг сабаби касалликнинг нисбатан қисқа давомийликга эгаллиги, шифокорларга мурожаат қилишнинг сустлиги, патоген қўзғатувчиларга текширилмаганлиги, беморлар томонидан антибиотиклар ва замбуруғга/вирусларга қарши дорилар қабул қилинмаганидир. Паст оғирлик даражадаги беморларда патоген микроорганизмларнинг аниқланиши касаллик давомийлиги узайишига, эрозия яраларнинг секин битишига, тез-тез қайталанишига, тери патологиясининг устун келишига (тугунли эритема, псевдофолликулит), сийдик-таносил тизимининг шикастланишига олиб келди. Иккинчи гуруҳда ОУВ ва уреоплазма инфекциясини аниқлаши устунлик қилди, бу марказий асаб тизими ва бўғимлар зараланишига, касалликнинг йилига 4 марта қайталанишига сабаб бўлган. Касалликнинг узоқ давом этиши, иммунитет пасайишига фон яратиб, бу ўз навбатида ОУВ ва ёндош микрофлоранинг фаоллигини кучайишига олиб келади. Касалликнинг бундай кечиши сийдик таносил тизимининг доимий яллиғланишига олиб келади, у яна каскад сифатида иммунитетга таъсир қилади, аутоантиген кўпайишига ва унга нисбатан антитаначалар ишлаб чиқишига сабаб бўлади. Текширувлар шуни кўрсатдики, БК билан оғриган беморларда ОУВ ва ёндош микрофлорага текшириш муҳим. Аниқланган патоген қўзғатувчиларга комплекс терапиянинг таркибида дориларни қўллаш касалликнинг оғир шакллари ва асоратлари ривожланишини олдини олади.

Диссертациянинг учинчи қисмида «Икки занжирли (dsДНК) ва бир занжирли (ssДНК)ДНК га қаратилган G (IgG) синфига мансуб аутоиммун антитаначаларни ўрганиш», 50 нафар Бехчет касаллигига чалинган беморларда икки занжирли (dsДНК) ва бир занжирли (ssДНК)ДНК га қаратилган G (IgG) синфига мансуб аутоиммун антитаначалар ўрганилди. Назорат гуруҳни 14 та амалий соғлом шахслар ташкил қилди.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики (2-жадвал), Бехчет касаллигига чалинган беморлар қон зардобида даводан олдин dsДНК ва ssДНК концентрациясининг кўтарилиши назоратга нисбатан мос равишда ( $p < 0,001$ ) ташкил қилди.

**Жадвал 2**

**Бехчет касаллигига чалинган беморларда икки занжирли (dsДНК) ва бир занжирли (ssДНК)ДНК кўрсаткичлари (M±m)**

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи n=14	Бехчет касаллигига чалинган беморлар n=50
dsДНК, ТБ	23,14 ± 0,76	35,26 ± 0,79*
ssДНК, ТБ	22,16 ± 1,02	31,29 ± 0,68*

Эслатма: p – маълумотларни назоратга нисбатан ишончлилиги: \* -  $p < 0,001$

dsДНК ва ssДНК концентрациясининг касаллик давомийлигига қараб ўзгариши ҳам текширилди (жадв. 3).

**Жадвал 3**

**dsДНК ва ssДНК концентрациясининг касаллик давомийлигига қараб ўзгариши (M±m)**

Касаллик давомийлиги	Текширилган беморлар сони	dsДНК (ТБ)	ssДНК (ТБ)
Назорат гуруҳи	14	23,14 ± 0,76	22,16 ± 1,02
1 йилгача	10	31,29 ± 1,86*	29,80 ± 2,34*
1йилдан 3 йилгача	13	34,31 ± 1,74**	30,21 ± 1,08**
3 йилдан 5 йилгача	12	35,13 ± 1,36**	31,17 ± 1,17**
5 йилдан 7 йилгача	8	37,99 ± 1,29**	32,60 ± 1,51**
7 йилдан ошиқ	7	39,83 ± 0,73***	34,16 ± 1,15***

Эслатма: p – маълумотларни назоратга нисбатан ишончлилиги: \* -  $p < 0,05$ ; \*\* -  $p < 0,01$ ; \*\*\* -  $p < 0,001$

Шуни таъкидлаш керакки, аниқланган ўзгаришлар касаллик давомийлигига боғлиқ бўлган, яъни, энг кам IgG синфига мансуб антитаначалар миқдори ўзгариши касаллик давомийлиги 1 йилгача бўлган беморларда бўлса, энг кўп ўзгаришлар касаллик давомийлиги 7 йилдан ошиқ беморларда кузатилган.

Юқорида айтиб ўтилганларга кўра, Бехчет касаллигида беморлар қон зардобида IgG синфига мансуб аутоиммун антитаначаларнинг dsДНК ва ssДНК нисбатан ишлаб чиқарилишида бўладиган бузилишлар, аутоиммун жараён мавжудлигидан далолат беради, ва бу ўзгаришлар касаллик давомийлигига қараб ўзгаради.

Диссертациянинг тўртинчи қисмида «Бехчет касаллигига чалинган

**беморларда иммун ва цитокин статусларини текшириш»,** Бехчет касаллигига чалинган беморларда иммунитет ва цитокинлар кўрсаткичларини 50 беморда 14 та амалий соғлом шахслар назорат гуруҳига нисбатан текширилди. Тадқиқод натижалари шуни кўрсатдики (жадв. 4), Бехчет касаллигига чалинган беморларда даводан олдин CD3-, CD4-хужайраларнинг фоиз даражасининг ишончли пасайиши ( $p < 0,01$ ) ва CD8-хужайралар миқдорининг юқорилиги кузатилди ( $p > 0,05$ ).

**Жадвал 4**

**Бехчет касаллигига чалинган беморларда иммунитет кўрсаткичлари (M±m)**

Иммунитет кўрсаткичлари	Назорат гуруҳи, n=14	Бехчет касаллигига чалинган беморлар, n=50
CD3, %	59,07 ± 0,95	49,76 ± 0,64**
CD19, %	16,86 ± 0,47	22,90 ± 0,91**
CD4, %	38,57 ± 0,41	30,66 ± 0,62**
CD8, %	18,21 ± 0,46	20,74 ± 0,37
ИРИ	2,12 ± 0,06	1,49 ± 0,04**
Ig A, г/л	2,31 ± 0,05	2,67 ± 0,05*
Ig M, г/л	1,38 ± 0,07	1,73 ± 0,02*
Ig G, г/л	12,11 ± 0,37	20,32 ± 0,54**

Эслатма: p – маълумотларни назоратга нисбатан ишончлилиги: \* -  $p < 0,05$ ; \*\* -  $p < 0,01$

ИРИ кўрсаткичи назоратга нисбатан ( $p < 0,01$ ) пасайди. Иммунитетнинг гуморал звеноси текширилганда, барча текширилган гуруҳларда CD19-хужайралар миқдорининг ишончли ошиши ( $p < 0,01$ ), ва уч гуруҳ иммуноглобулинлар IgA ( $p < 0,05$ ), IgM ( $p < 0,05$ ) и IgG ( $p < 0,01$ ) миқдорининг назорат гуруҳига нисбатан ошиши кузатилди. Иммун тизимидаги ўзгаришлар касаллик давомийлигига қараб ўзгариши текширилганда хужайравий ва гуморал иммунитетда дисбаланс борлиги ва бу ҳолат касаллик давомийлиги 7 йилдан ошган беморларда янада кучли ўзгариши кузатилган.

Бехчет касаллигига чалинган беморлар қон зардобида цитокинлар кўрсаткичлари ҳам текширилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики (жадв. 5), Бехчет касаллигига чалинган беморларда даводан олдин яллиғланиш цитокинлари ФНО- $\alpha$  миқдорининг назорат гуруҳига нисбатан олинганда кўтарилиши ( $p < 0,001$ ) кузатилган.

**Жадвал 5**

**Бехчет касаллигига чалинган беморларда цитокинлар кўрсаткичлари (M±m)**

Цитокинлар	Назорат гуруҳи, n=14	Бехчет касаллигига чалинган беморлар, n =50
ИЛ-4, пг/мл	3,07 ± 0,18	2,40 ± 0,09*
ФНО- $\alpha$ , пг/мл	14,17 ± 0,88	21,24 ± 0,48*

Эслатма: p – маълумотларни назоратга нисбатан ишончлилиги. \* -  $p < 0,001$

Яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорининг (ИЛ4) эса пасайиши кузатилди ( $p < 0,001$ ).

Бундан ташқари, цитокинлар кўрсаткичларини касаллик давомийлигига қараб ўзгариши текширилганда, яллиғланиш цитокинлари ФНО- $\alpha$  микдорининг кўтарилиши, яллиғланишга қарши цитокинлар микдорининг (ИЛ4) эса пасайиши касаллик давомийлиги 1 йилгача бўлган беморларда кам ўзгарган бўлса, энг кўп ўзгаришлар касаллик давомийлиги 7 йилдан ошиқ беморларда кузатилган.

Олинган натижалардан шу маълум бўлдики, Бехчет касалигида ФНО- $\alpha$  ва ИЛ-4 цитокинларда ўзгаришлар кузатилади. Яъни, бу цитокинлар хужайравий ва гуморал иммун реакцияларни фаолаштиради. Лекин тадқиқотлар давомида аниқланган иммун тизимидаги ўзгаришлар бу цитокинлар ишлаб чиқарилишини бузилишига олиб келиши, ўз навбатида организмда патологик жараён ривожланишига муҳит яратади.

Шундай қилиб, Бехчет касаллиги иммун ва цитокинлар тизимидаги бузилишлар билан кечиб, бу ўзгаришлар касаллик давомийлигига боғлиқлиги тасдиқланди.

Диссертациянинг бешинчи қисмида **«Бехчет касаллигига чалинган беморларнинг патологик ўчоқларидан олинган биоптатларни патоморфологик текшируви»** Бехчет касаллигига чалинган беморларнинг патологик ўчоқларидан олинган биоптатларни патоморфологик текшируви натижалари баён этилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, патологик ўчоқ қаерда жойлашишига қараб морфологик кўрсаткичлар ўзига хослиги кузатилган.

Беморларнинг оғиз шиллиқ пардасидан олинган биоптат гистологик текширилганда, ахамиятсиз гиперкератоз, вақти вақти билан шох каватининг кўчиши, нотекис акантоз, силиқлашган эпидермис сохалари, спонгиоз. Дермада яққол шиш, қон томирлар кенгайган, деворлари шишган, фибриноз ўзгарган, нейтрофиллар ва плазмоцитлардан иборат лимфогистиоцитар инфильтрат мавжудлиги, коллаген толалар баъзи сохаларда фибриноз ўзгарганлиги кузатилган.

Бехчет касаллигида жинсий аъзолардаги шикастланишнинг гистологик суръати: шох каватининг кўчиши, эпидермис сероз қадоқ билан қопланган, нотекис акантоз, спонгиоз. Дермада яққол шиш, эндотелиоцитлар пролиферацияси, фибрин қон томирлар деворларида чўккан, нейтрофиллар ва плазмоцитлардан иборат лимфогистиоцитар инфильтрат мавжудлиги, коллаген толалар баъзи сохаларда фибриноз ўзгарганлиги, тери ортиқларида ўзгариш йук.

